

# ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

# ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 216 (7. 305)

1990 йил 21 сентябрь, жума

Вақоси 3 тийик.

Янгиликлар • Воқеалар • Шарҳлар • Янгиликлар • Воқеалар • Шарҳлар

### ЯХШИЛАРГА

#### ЭРГАШДИ...

Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги ва маҳаллий Советлар депутатлигига сайловлар кунини деб эълон қилинганида Н. Раҳимова ўз номзодининг район Совети депутатлигига қўрсатилганини гаёлига ҳам келтирмаган эди. Маълум вақт ўтиб жамоадан қўрсатилган номзодлар орасида унинг ҳам номи борлигини эшитганида кулоқларига ишонмади. Кейин бирдан вужудини қўрқув босди. Номзодини қайтариб олоқчи ҳам бўлди. Шу мақсадда бошлиқлар олдида кирди...

© 2-саҳифада.

### ЎЗИМИЗНИ

#### ЎЗИМИЗ

Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги ва маҳаллий Советлар депутатлигига сайловлар кунини деб эълон қилинганида Н. Раҳимова ўз номзодининг район Совети депутатлигига қўрсатилганини гаёлига ҳам келтирмаган эди. Маълум вақт ўтиб жамоадан қўрсатилган номзодлар орасида унинг ҳам номи борлигини эшитганида кулоқларига ишонмади. Кейин бирдан вужудини қўрқув босди. Номзодини қайтариб олоқчи ҳам бўлди. Шу мақсадда бошлиқлар олдида кирди...

© 3-саҳифада.

### ТАБИАТ

#### БИЛАН

Оламдаги етти мўъжизаларнинг бири бўлган «Семирамда муаллақ болғари» тўғрисида афсона бизгача етиб келган. Боғ сарой айвонларида барпо этилган эди. Бинонинг бунёд этган курувчиси билан бирга теваракка алоҳида латофат ва мўъжизакорлик бахш этиб, болғонлар ҳам, хайкалдорлар ҳам маҳнат қилди. Табиатини бадиий асарлар билан безаб, унинг баркамоллиги ва чиройини акс эттириш санъати асли ўша қадим замонлардан бошланган бўлса, анда эмас...

© 4-саҳифада.

### Хориждаги мижозлар

ТОШКЕНТ ТРАКТОР заводи бирлашмасида кунига 90 та трактор ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга йилга 38000 донга прицеп ҳам тайёрланади. Кейинги пайларда бирлашма маҳсулотларига чет мамлакатлар ҳам қизиқиб қолишди. Шу бонс янги тракторлар Болгарияга жўнатилди бошланди. Йил охиригача Югославияга 500 донга прицеп сотиш учун шартнома тузилди.

### Ўзбек созандасига— Испаниядан таклифнома

ИСПАНИЯЛИК таниқли мусиқашунос, профессор Дюнинг серкүш жумхуриясида маданий ҳаёти билан кўндан бери қизиқиб келди. У Тошкент Давлат консерваторияси шәрқ мусиқаси кафедраси жамоаси билан ҳам алоқа боғлаган.

Яқинда Испаниядан олий мусиқа мактаби номинга таклифнома олинди. Унда профессор ушбу кафедранинг дошенти, моҳир созанда А. Хамидовни халқ чолғу асбоблари чолғувчилари фестивалига таклиф этган эди. Гап шундаки, доцент А. Хамидов халқ чолғу асбобларининг моҳир ижроси сифатида яхши танилган. У испан гитарасига ўхшаб кетадиган чолғу асбобини ҳам моҳирлик билан чалади.

Ўзбек созандаси Шарқ мамлакатлари санъаткорлари вакили сифатида фестивалда қатнашади.

### Жиддий имтиҳон

ИСТЕЪДОДЛИ мўйқалам устаси А. Нуриддинов ижодхонасида бўлган киши яратилаётган кўпбал картналар билан танишади. Айна бир вақтда ҳозир иш олиб бораётган қатор асарларнинг томоҳи кўринишлари ҳам эътиборни ўзига тортади.

Илҳомбахш қалб эгаси гоёт таъбирчан картналари билан турли қўрғазмаларда қатнашиб келмоқда. Рассомнинг «Низинчилик» деб номланган асарини ҳозир Америкадаги «Девин» расмлар галереясида муваффақиятли намойиш қилинмоқда. Санъаткорнинг яна бир туркум асарлари чет мамлакатларда олинган қатор кўрғазмаларга қўйилди.

Рассом яна бир жиддий ижодий имтиҳон олдида турибди. Яқин орада Гага шаҳрида унинг шахсий кўрғазмаси очилди. Бу экспозициядан «Урчашув», «Яширин учрашув», «Афғонистон» наби полотнолари ўрин олади.

### Мафқуравий комиссия мажлиси

Кеча шаҳар партия комитети мафқуравий комиссиясининг мажлиси бўлди. Шаҳар партия комитетининг котиби Х. М. Абдураимов комиссия аъзоларига «КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди қарорлари асосида шаҳарнинг янгиланган сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида худудий партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» кун тартиби билан шаҳар партия комитетининг пленумига тайёргарлик қандай бораётгани ҳақида ахборот берди.




Шарҳимиз моҳир жамоадаридан сўз қилишдан олдинкидан тер тўлиб, ҳаммасларининг олдишига сазовор бўлаётган илғорлар кўплаб топилди. Гулбаҳор Исмомованинг (суратда чапда) 199-ўрта мактабни битириб маъшиқ металл буюмларини таъмирлаш ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга келганига атиги бир йил бўлди. У ўзи таъмир-



лаётган буюмларнинг хонадонларимизга кўри бағишлаётганидан мамнун. Уртадаги суратда «Иргидрош» заводининг моҳир тоқари Элдор Баширов ва бригада етакчиси Ильдус Аҳмедшинлар тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечиришяпти. Сўғориш ишоотларининг беками-кўсти ишавши ана шу деталларнинг сифатига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Туроп Мажидов эса Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик номли тивуачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси иккинчи бўлимида моҳирлик қилади. У бичиб берган матолардан тикланган либослар харидорларга манзур бўлмоқда. Т. Қаримов, М. Шербек ва Х. Мирзакаримов суратлари.



### ЎЗБЕК ТИЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

19 сентябрь кунин Тошкентда давлат тили тўғрисидаги Қонуни амалга ошириш бўйича жумхурият комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисини Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг Раисини ҳамда мазкур комиссия раиси Ш. Р. Мирзаидов олиб борди.

Комиссия мажлисида жумхурият ҳукумати ҳузурда тузилган атамашунослик кўмитасининг раиси Ф. Абдураимов қўмита фаолияти тўғрисида ахборот берди. Мажлисида атамашунослик кўмитаси олиб бораётган муайян ижобий ишлар таъкидланди. Фаннинг турли соҳалари бўйича 12 бўлим ва 7 секция ташкил этилган. Бўлим ва секцияларнинг раҳбарлари ҳамда аъзолари жамоатчилик асосида ишлайдилар. Улар олий ўқув юртлилари, илмий таъхирлар, газет ва журналларнинг редакциялари билан алоқа ўрнатган. 1991—1995 йилларда атамашуносликнинг чоп этиш режалари тузиб чиқилди, баъзи маъмурий-бошқарув идораларининг атамашунослик бўлими тилига таржима қилиб берилди. Бундан ташқари, магбуот, радио ва телевидениеда қўлланаётган турли атамалар тўпловида ва уларнинг бир қисми муҳокамадан ўтказилди.

Бирок сўзга чиққан олимлар, адаблар, журналистлар ва бошқа мутахассислар ўзбек тили атамаларини яратиб ва жорий этиш соҳасидаги ишлар ниҳоятда қониқарсиз ва сўст бораётганини айтидилар. Магбуот, радио ва телевидениеда бу соҳада бошбоқдоқлик ҳукм сураётгани, ўзбек тили булганаетгани, бун-

### Обуна—91: ПОЙТАХТИМИЗ ҲАЁТИНИНГ КЎЗГУСИ

Октябрь район партия комитетининг котиби Х. С. Отаматова билан мухбиримизнинг мулоқоти «Тошкент оқшом» рўномасига 1991 йил учун обуна қандай кетаётгани ҳақида бўлди. — Мана, обуна мавсумининг бошланганига ҳам бугун 21 кун бўлди. Ҳозирги обуна нархи ошган вақтда ҳамшаҳарларимизнинг рўномаларга ёзилиши қандай оlib борилаётган? — Бугунги кунда районимиздаги 56 маҳаллада ва ўндан ортқ йирик корхона ва ташкилотларда «Оқшом» рўномаси учун обунага ушқоқлик билан киришди. Шу кунга 400 нусха рўномага обуна бўлинди. Меҳнат жамоаларида корхона томонидан ажратилган маблаг ҳисобига «Оқшом» учун обуна қилиш яхши ташкил этилмоқда. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узгировдохоз» лойиҳалаш институтида касабаношуналари бу ишга бош-қош бўлишмоқдалар. — Кунин-кеча райондаги «Орузу» чарм-аттордик ва спорт буюмлари ҳамда «Шарқ гули» бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмаларида рўномамиз вакилларининг ана шу бирлашма ишчилари билан учрашувлари бўлиб ўтди. Мана шу ҳақда Сизнинг фикрингиз қандай? — Мен бу ҳақда эшитдим. Ишчи ва хизматчилар бу учрашудан гоёт хурсанд бўлишди. Рўноманинг келгуси йили қандай бўлиши ва унда қандай руқнулар ташкил этилиши ҳақида сўз бориди. Умуман рўнома вакилларининг меҳнатқашлар ҳузурда ана шундай учрашувлари тез-тез ўтказиб туришларини олқинлайман. Бундай учрашувларини бевосита маҳаллаларда ҳам ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. — Биз қиёда Хувайдо маҳалласида ана шундай учрашувлардан бирини ўтказмоқчимиз. Сиз «Тошкент оқшом» рўномасининг олиб бораётган ишларига қандай баҳо бераёсиз? Ва келаси йилда қандай бўлишини истар эдингиз? — Ўзингизга маълум, биз, идеология ходимлари рўно-

маларни ўқимасдан туролмаймиз. Айниқса «Оқшом» рўномасини ўқиб унда шахримиздаги янгиликлар, воқеалар билан яқиндан танишамиз. Бундан ташқари унда берилган мақолалар жуда қизиқарли бўлади. Кейинги вақтларда одамлар дилидаги гаплар рўй-рост, нишонга тетадиган қилиб берилмаётганини жуда яхши бўлмоқда. Менимча бундай мақолаларни дадил беравериш керак. Яна шунини таъкидламоқчиманки, районимизда жуда кўп аҳолига эга бўлган «Шарқ гули», Хувайдо, «Фалол», «Янги шаҳар», «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», «Кўчча» наби йирик маҳаллалар бор. Рўноманинг илова шаклида ташкил қилинган «Маҳалладош» бир ойда икки маротаба чиқади. Биламан, сизларга ижодий ходимлар кўп эмас. Аммо шунга қарамастан шу «Маҳалладош»ни ойнага уч маротаба чиқариш лозим. Сабоби биз шахримиздаги ҳамма маҳаллаларда олиб борилаётган ибратли ишларни ва намуначиларини рўй-рост ёритишимиз керак. Ўйлайманки, бундан шахримиздаги ҳамма маҳаллалар манфаатдор бўлади. — «Тошкент оқшом» рўномаси Сизларга керакми? — Бўлмасамчи, ўзингизга маълумки, бизнинг районда маҳаллий миллат вакиллари кўпчилигини ташкил этади. Кўп болали оилалар ҳам кўп. Ваъзи оилаларга рўноманинг бу йилдан бошлаб оширилган нархи оғирлик қилиши мумкин. Биз маҳалла жамғармасидан ана шундай оилаларга текинга обуна бўлишини ташкил этишимиз керак. Мен «Тошкент оқшом»нинг бирон сонини оломай қолган ёки алоқа бўлиши хизматчиларнинг айби билан унинг келтирилмаган рўнома қидириб юрган ҳамшаҳарларимизни биланман. Чунки, «Оқшом» пойтахтимиз ҳаётининг кўзгуси—дир! — Сизнинг ўзингиз унга обуна бўлдингизми? — Уч кун бўлди дам олиб қайтганимда, албатта обуна бўламан. Ўйлайманки, районимиздаги барча маҳаллаларда истиқомат қилаётган хонадонлар, корхона ва ташкилотлардаги меҳнатқашлар албатта обуна бўлишади.

### Сўз—«Оқшом» муштарийларига

ОИЛАМИЗДА тўрт нафар олий маълумотли киши келаман. Мен санаб ўтган бол. Ҳаммамизнинг кун-додлик турмушимиз рўномасида, ойнамаларини ўтиши қийин. Шунинг учун ҳар йили уч-тўрт ил ойнама ва яна бир неча турли рўномаларга ёзилади. Бу йил ҳам аввалгидек ёзила бошладик. Касбим ўқитувчи бўлгани учун ҳам «Бола тарбиясида ота-оналарнинг роли ва обрўйи», «Тарбия оиладан бошланади», «Меҳнат бахт келган мактаб ва оила», «Устозни улуғланг» наби мақолаларин билан жамоатчи мухбир сифатида қатнашиб келаман. Мен санаб ўтган бол мавзулар айниқса «Тошкент оқшом» рўномасида атрофлича бериб борилади. Шу бонс бўлса керак, мен бу рўномани энг севимли, қадрли мақсатқўйим сифатида ҳурмат қиламан. Рўноманинг «Маҳалладош»ида эса ўзининг кичик-кичик мақолаларин билан қатнашиб тураман. «Оқшом» борган сари ранг-баранг мақолалари билан эътиборни жалб қилмоқда. Ундаги айниқса, «Одобнома» руқни остидаги мақо-

### Ўзиники—ўзига

длар манзур. Шунинг учун ҳам менимча келгусида рўнома ижодкорлари мазкур руқни кенгайтироқлари зарур. Шу билан бирга мактаб ҳаётига оид алоҳида бир бурчак ташкил қилсалар биз муаллимларнинг боши омонга етарди. Жумхуриятимиз матбуот органларида босилган қалам ҳайратидан 1991 йил учун обуна бўлиб қўйдим. «Тошкент оқшом» билан бирга «Совет Ўзбекистони», «Еш ленинчи» ва «Тошкент ҳақиқати» рўномаларига ҳам ёзилдим. Турмуш ўртоғим «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўномаси ва «Шарқ юлдузи» ойнамасига, набираларим эса «Ленин учқуни» ва «Гулхан» нашлаб-рига обуна бўлиб келганликларини айтишди. Халқимизда «Бугунги ишчи эрга қўйма» деган чиройли бир нақл бор. Шундай экан, бошқаларни ҳам ўзи севиб ўқийдиган рўнома ва ойнамаларига тараф ёзилишларига қақираман. Ф. НУРИДДИНОВ, жумхурият халқ маорифи аълочиси.

### «Ариран»— корейс операси

«Ариран» операсида XIX аср охирида денгиз бўйига кўчиб келган корейслар босиб ўтган оғир йўл ҳақида ҳисо қилинади. Бу операни Сеулдаги «Мин — Чу» театри Тошкентда томошбинларга кўрсатди. Бу корейс театрининг Ўзбекистон пойтахтидаги биринчи чиқиши ва жумхуриятимиз томошбинларини Жанубий Корей опера санъати билан илк бор таништиришдир. Мазкур саҳна асари аънавий корейс драма, мусиқа ва қўшиқчилик театрининг ўзига ҳос жиҳатларини уйғулаштирган «Чхян» — гик» жанрида қўйилган. Томошбинларга мурожаат қилган режиссер Сон Жин Чэк ушбу спектакль корейс халқи тарихининг муҳим бир қатламини томошбинларга кўрсатиш йўлидаги уринишлар ҳолос, деди.

—Биз спектаклдан жуда катта таассурот олдик, — дейди совет корейслари Тошкент маданият жамияти бошқарувининг аъзоси Валентина Миниевеева Чо. — Миллатимиз тарихининг манбалари билан ошно бўлишимиз ўзи, шубҳасиз, қалбларни тўлқинлантиради. Айниқса Совет Иттифоқидagi корейсларнинг тақдирини, уларнинг Сталин қатғоғини давридаги фожиаки қисмати мавзуси тилига олинганда бунинг яққол ҳис этасан, киши. Оилами ҳам бундай қунарли бошдан кечиргани эганим — корейс адабиётининг классиги Чо Мен Ёнин Хаворос қамоқхонасида ўлдириб юбордилар. У Октябрь инқилобининг бутун орзу мақсадларига қаттиқ ишонган эди. Оиламига кўчага ҳайдаб юборишди, кейинчилик эса бошича ветадбошларимиз билан. Қозғонистонга ҳайдашди. Бошимизга кўп ёмон қисматлар тушди ва биз энда бундай воқеалар текрорланмаслигига ишонамиз.



Урта Осей жумхуриятлари ва Қозғонистон ёш томошбинлар театраларининг 1-фестивали катта муваффақият билан ўтапти. СУРАТДА: фестиваль ҳаётининг раиси — РСФСР халқ артисти, профессор З. Я. Кагарлицкий анижуман қатнашчилари билан сўхбатлашмоқда. Р. Альбеков сурати.

### ХАЙРЛИ ТАДБИР ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

Яқинда «ХУМОР» чойхонасида «Одобнома халқ дорилфунуни»нинг машғулотли ўтказилди. Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги томонидан ташкил этилган бу хайрли тадбирга Ленин комсомолы номли дам олиш ва истироҳат борига сайрга келувчилар қатнашмоқда. Халқ дорилфунунида хилма-хил мавзуларда сўхбатлар уюштириляпти. Уларда турли касб эгалари, элшунос олим Б. Аминов, СССР халқ таълими аълочиси Ф. Зикриллаев, сўз санъати устаси М. Хамидов, шифокорлар А. Умаров, Т. Бобоҳўнаев, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Немазжон ота Дўстмуҳамедовлар фаол иштирок этишмоқда.

### Луқма Чорраҳадаги томоша

Чорраҳадан ўтадиган ҳар бир йўловчи ва транспортчилар қону-қондага амал қилган ҳолда ҳаракат қилишлари керак. Ленини мизга афсуслар бўлишини, шахримиздаги баъзи бир йирик чорраҳаларда кейинги пайларда ким эърабон ҳайдовчи бўлса ушунинг ошғин олчи бўлиб қолди. Мана, 13 сентябрь кунини олайлик. Генерал Уақов ва Беруний чорраҳасида (орта билан ва кечки пайт ҳам) қизил чирок ёниб турган бўлишига қарамастан кўп чирок ёниб турадиган томондан келатган машиналарга йўл йўқ. Сабоби битта: суретлик билан қизил чирокда чорраҳа ўртасигача кнриб борган ҳайдовчи ва у машинага, на бу машинага йўл бермасдан турарди. — Йўлни бушатинг, ахир ишдан кеч қоляпти. Қондага амал қилиб юрсангиз бўлмайдингиз? — Бўлди, бўлди, кўп катта кетма. Етиб борсан ушунингиз... Хуллас, икки ҳайдовчи ўртасида даҳаманг жанг бошланди кетди. Машиналарнинг қулоқни қоматга келтирувчи ситналда Давлат автошайли. Қани шу маҳалда Давлат автомобил нозоратининг ҳодимларидан биротаси кўрнса. Тўғрисида айтиш керак: кейинги вақтда орта билан ва кечтутури бўлмайди транспортлар сарқатнов бўлган чорраҳаларда уларни топиш амри-маҳол бўлиб қолди. Бир нарсига ҳайроник: ахир шахримиздаги чорраҳаларда ҳайдовчи ва йўловчиларнинг қондага амал қилишларини назорат этиш уларнинг асосий вазифаси эмасми? Нега энди уларни топиб бўлмайди?

Депутатлар фаолияти

ЯХШИЛАРГА ЭРГАШДИ...

СИЗ суратда кўриб турган бу қиз шахримиздаги «Орзу» чарм-аторлиги ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бirlашмасининг тикувчиси, Октябрь район Советининг депутаты Наргиза Раҳимовадир. Яқинда биз шу корхонада бўлганимизда у билан депутатлик фаолияти юзасидан суҳбатлашдик.

— Аввало менга ишонч билдирган сайловчиларим учун катта раҳмат, — дейди Наргиза. — Мана олти ойдинки, шу ишончга яраша хизмат қилиш йўлида тер тўкиб келяпман. Бундан икки ҳафта олдин сайловчилар билан учрашув ўтказдик. Кескин мунозараларга бой бўлган бу мулоқотда танқидий фикрлар кўпи айтилди. Шунда депутатлик масъулияти осон эмаслиги, одамлар ҳар бир истак ва талабларининг қандай бажарилишини кун сайин назорат қилишлари, бунинг учун депутатни истаган вақтда сўроққа олишлари мумкин эканлигини яна бир бор ҳис этдим.

Наргизанинг ўзига нисбатан талабчанлиги сўз ва ҳаракатларидан шундоққ билиниб турибди. Қолаверса, у депутат сифатида ҳам сайловлардан кейин ўтган қисқа муҳдат ичида анча-мунча ишларни бажаришга улгурибди. Келинг, яхши уларни ҳисоб-китоб қилиб ўтирмай Н. Раҳимова билан депутатлик ва иш фаолиятдан бир неча мисоллар келтирайлик.

У бирлашманинг 4-қеҳда ишлабди. Агар шу участкада қимдан Наргиза ҳақида сўрасангиз яхши фикр айтади. «Ишлаб чиқариш илгори, тажрибали мутахассиси», дейди.

— Ишга келган дастлабки кунларим кечкидек ёнимда, — ҳикоя қилади у. — Мактаб партиядан тўғри катта жамоага, қайноқ жараёнига тушиб қолган ўқувчиларимнинг қандайдир кечиси ва бундай ҳаётга қўнма ҳосил қилгувчи яна қийналиб юриши ўзларингизга маълум. Кунларим ана шундай ҳис-ҳаяжонлар билан ўтди. Лекин тушунликка берилмадим. Яхшиларга эргашиб устозлар ўғитига қулоқ солдим. Улардан ўргандим. Тез орада ўзимни тўтиб олдим. Орадан йил ўтиб суратим корхона «Хурмат» тахтасидан ўрин олганда роса қувондим. Ҳар қалай жамоанинг ҳақиқий аъзосига айланганимдан хушнуд эдим.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги ва маҳаллий Советлар депутатлигига сайловлар кунини эълон қилинганда Н. Раҳимова ўз номзодини район Совети депутатлигига кўрсатишнинг ҳаёлига ҳам келтирмаган эди. Маълум вақт ўтиб жамоадан кўрсатилган номзодлар орасида унинг ҳам номи борлигини эшитганида қулоқларига

ишонмади. Кейин бирдан вужудини кўрқув босди. Номзодини қайтариб олмакчи ҳам бўлди. Шу мақсадда бошқилар олдига кирди. «Йўқ, ҳозир ишларга ишончимиз катта. Ахир сиздек серҳаракат илгорларга ишонмасек кимга ишонамиз. Ердамлашамиз. Эллайсиз», дейишди улар. Онда аъзолари қизининг бу бахтидан хурсанд бўлиб оқ фотиҳа беришди. Орага қайтишга ўрин қолмади.

Учрашув кетидан учрашувлар. Дастур муҳокамалари. Хуллас, Н. Раҳимова номзодликдаёқ сайловчилар ишончини қозона олди. Депутатликка сайланди. У минг бир ҳаёллар билан сайловчилардан тушган биринчи таклифни кўтариб район Советига йўл олди. Раис хонасида одамлар гажум эди. Котибага нима мақсадда келганини айтгани, уни кўп куттирмай қабул қилишди. Наргиза тутила-тутила ўзини таништириганда раис қулиб: «Сизни яхши биламиз, район Советининг депутатисиз», деди. Сўхбатнинг бунақа ошқора ва самимийлиги депутатга кенот бағишлади. У истагани раисга билдирди.

— Жуда яхши таклиф. Ушە кўчани асфальтлаш бу йилги режамизга киритилган. Сайловчилар сиздан шу ишни тезроқ бажаришни талаб этган экан, уни иккинчи кварталда бажариладиган юмушлар рўйхатига киритамиз. Фақат бир гап, сел дадироқ бўлинг. Энди сиз депутатисиз. Шундан экин кўпчилик номиндан истаган идорага киришингиз, сайловчилар талаб ва истақлари юзасидан бошқилар билан талашиб-тортишишга ҳақлисиз. Сизга шундай ҳуқуқ берилган ҳам.

Шу сўз Наргизага дадиллик бағишлади. Эртасидан у ишга киришиб кетди. Кўча асфальтланганда у ерда истиқомат қилувчилардан кўра депутатнинг ўзи кўпроқ қувонди. Кейин яна бир қатор сайловчилар истаган ҳам амалга ошди. Энди унинг ҳузурига келувчилар сафи ортди. Майлида, қимдир боласини боғчага жойлаш, яна биров хонадонига телефон тушириш, бошқиси эса оилавий масалалар каби майдо-чуйдо ишлар хусусида муражаат этсаларда барибир бу ҳам депутатга бўлган ишонч ва эътиборни кўрсатиб турарди. Лекин булар орасида йрми-уй-жой, мағазин, боғча, маъшият комплекси қурлишидек муаммолар йўқ эмасди.

Биз Наргиза Раҳимовадан ўз истақларини байн эттишни илтимос қилдик.

— Ягона истагим — осмонимиз ҳаммаша муссаффо бўлса. Ўртинмизда тинч-тотувлик, миллатлар ўртасида дўстона муносабат ва ўзаро ҳам-жихатлик ҳужм сурса, дейман.



Зеро бу истак ҳар биримиз ва ҳаммамизнинг бугунги кундаги орзу-умидимиз ва ниҳтимиздир. М. ОРИПОВ. © СУРАТДА: Октябрь район Советининг депутаты пугати Наргиза Раҳимова.

БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИК ИШ ЯКУНЛАРИГА КўРА

«Средтаэстранстрой» ва трести ходимлари ҳам бор. «Ташметрострой» трестлари Бу жамоалар сўнгги йиллар жамоаларига биринчи ярим йиллик иш якунларига қўннат беллашувида доний ра кўчма Қизил байроқлар ва пул мукофотлари топиш курилшини министрлигининг либ ўзини ўзи пуа билан ҳайъати билан тармоқ касабалар уюшмаси Марказий Комитетининг президиуми улар меҳнатини шундай тақдирлади. Тақдирланганлар орасида «Самаркандтаэстранстрой» (ЎЗТАГ).

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«Шарбат ўрнига сув»

© Рўзноманинг шу йил 1 сентябрь сонида юқоридаги сарлаҳда остида танқидий мақола берилиб, унда шахримиздаги баъзи савдо шохобчаларида шарбатга сув қўшиб сотишгаётганини ҳақида ёзилган эди. Редакция озиш оқиқат савдоси бўливларидан қуйидаги жавобни олди:

ЧИЛОНЗОР район озиқ-овқат савдоси идорасининг директори М. Мажидовнинг рўзномамизга хабар қилишича мақола савдо бўлими идора ходимлари ва мудирилар иштирокатида кенг муҳомада қилинган. 121-бўйруқ билан 16-дўконнинг 2-тўқфали сотувчиси А. Борисова ишдан пасайтирилиб, август ойи буйича бериладиган 100 фонзил мукофотдан маҳрум этилган. Ана шу дўконнинг бўлим мудири Ёрдамчи А. Циганогов сотувчилар устидан етарли назорат ўрнатмаганлиги учун қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди. Дўкон мудири А. Қосимовага сотувчилар ўртасида тарбиявий иш ва савдо қондаларига риоя қилиш яхши йўлга қўйилмаганлиги учун ҳайфсан эълон қилинди.

КИРОВ район озиқ-овқат савдоси идораси директори Т. Ёлмасовнинг хабар беришича, мақола барча дўкон мудирилар иштирокида кўриб чиқилди. Хўжалик ҳисоб-бидога 66-магазиннинг сотувчиси Р. Абдуқосимовага қаттиқ ҳайфсан эълон қилиниб, август ойининг 50 фонзил мукофотидан маҳрум этилди. Бўлим мудири Т. Даламатова оқшомдан қайтарилди. Мухаррият «Шарбат ўрнига сув» сарлаҳвали мақолада номлар келтирилган Октябрь, Ленин район озиқ-овқат савдоси раҳбарларидан ҳам йўл қўйилган камчиликларга қандай чора кўрилганлиги ҳақида жавоб кутади.

ХАМЗА район озиқ-овқат савдоси идорасининг директори Қ. Раҳимовнинг хабар қилишича, 127-бўйруққа асосан сотувчи Г. Қоуббаевага ҳайфсан эълон қилиниб,

«Чуқур қачон тузатилади?»

© Рўзноманинг шу йилнинг 13 июль сонида эълон қилинган «Чуқур қачон тузатилади?» ва «Дилин хира қилади» танқидий мақоаларида Собир Раҳимов район ҳудудидagi айрим жойларда йўл қўйилган камчиликлар кескин фикр эълон қилди. Бу икки мақола юзасидан таҳририят Собир Раҳимов район яқриона комитети раисининг ўринбосари Ш. Шамоновдан жавоб хати олди.

ЖАВОБДА кўрсатилишича, Собир Раҳимов район яқриона комитети «Дилин хира қилади» ва «Чуқур қачон тузатилади?» сарлаҳвали мақоаларини кўриб чиқди.

«Чуқур қачон тузатилади?» мақоласида Себзор мавзесидаги 8-дорихона рўйврасида қазилган ҳандақ «Орбита-Сервис» дўкони қурилиши учун мўлжалланган. Бу қурилишга 300 минг сўмлик маблағ ажратилган. Айни пайтда 12-қурилиш трести ҳандақни тайёрлаш ишларини олиб бормоқда. Қурилиш мазкур объектда 1992 йилнинг март ойида ниҳоясига етказилди.

«Дилин хира қилади» суратли айбормасида ёзилганидек, Форобий кўчасидаги Магълубат тўқчасида йиғилиб қолган ахлат уюмларини ўз вақтида олиб кетилаётгани ҳақидаги фактлар текшириш жараёнида тўла тасдиқланди. Тор кўчада бундай ноҳуш аҳволнинг қайта содир этилаётгани учун район ободонлаштириш бўлими бошқармаси томонидан қатъий назорат ўрнатилди.

Тошкент трамвайининг 90 йиллигига

ВИЖДОНАН ИШЛАГАНДА

СЎХБАТИМИЗ дастлаб эксплуатация бўлими бошлиғи вазифини бажарувчи Носир ака Юсупов билан бошланди. Кейин сўхбатга Афғонистонда йиллик бурчинг ўтагани билан йиллик-йиллик, 11-маршрутининг устоз ҳайдовчиси К. Жалаков қўшилди. Бригада ҳайдовчилари ҳақида сўзлаб берди. У ишлайдиган 11-маршрут Ал-Хоразмий даҳаси томон, бир ярим километрга узайтириб, ҳоварда шаҳарнинг Халқа йўли билан марказин боғлаб туради. Дада аҳолиси бундан беинҳоя хурсанд. Бригадада Афғонистон воқеаларида иштирок этган А. Ражапов, Т. Тошмухамедовлар ишлашади. Улар интнзомли меҳнатлари билан илгор ҳайдовчилар қаторидан ўрин олганлар.

— 1991 йил 31 мартда Тошкент трамвайининг 90 йиллиги нишонланади, — дейди биз билан сўхбатда депо партия ташкилотчи секретари А. Ветак. — Шу кўнгул санами байрамона нишонлаш учун бизнинг 2-троллейбус депо си жамоаси ҳам қизини иш олиб бормоқда. Босиб ўтиб кетган мароқли, ҳам машаққатли йўлга эътиборин қаратиш, кундан-кунга электр транспортни хизматига ошиб бораётган халқ талабини қондириш, йўловчиларнинг эътироз ва таъналарини ўрнига раҳматини эшитиш учун бор имкониятини ишга солаётимиз. Йўловчиларга пишиқ ва пухта созланган, қудай ягонларни метрбнда чиқариш устида тинмай ишлаяпмиз. Маъмурият ва ҳамма бўлимларда иш шароитини яхшишлаш, ишлаб чиқаришни тақомиллаштириш борасида амалий ишлар қилинди. Ташқи ўлчамни кенг бўлган трамвай ва троллейбуслар ҳайдовчиси маошига қўшимча ҳақ тўлаш йўлга қўйилди.

Кўнгул савага муносиб тайёргарлик кўриш учун қатор тадбирларни амалга оширадиган ташкилий масалалар ишлаб чиқилди. Асосий вазифа яхши меҳнат орақали тошириқларини тўлиқ бажаришга қаратилди.

Депо жамоаси техникдан фойдаланиш кўрсаткичи тошириқларини ортинги билан адо этиб келишяпти. Эксплуатация иши якунидан шунини айтиш мумкинки 16, 23-троллейбус маршрутлари энг илгор деб топилди. 16-маршрут ҳайдовчилари рейслар буйича режани 101,8 фонз ва ҳаракат мунтазамлигини 98,8 фонзга етказдилар. Шу маршрут ҳайдовчилари устози Қ. Иноғомов депо касабга уюшмаси раис хамдир. Ишчи-хизматчиларга бериладиган фаровонликлар ҳам қатъий тақсимини топган.

К. Асламов бошчилик қилган 23-маршрут ҳайдовчилари ҳам бригадалар орасида юқори кўрсаткичга эришди. Ҳайдовчилар Фахрий ерлик ва мукофотлар билан тақдирландилар.

7, 16, 19-маршрут ҳайдовчилари Т. Собитов, Н. Султонов, Т. Шероьлар лияндаги рейслар режасини юз фонздан ортқ қилиб бажарган бўлсалар, доимийлигини 99 фонздан ошириб адо этдилар.

Ҳаракат таркиби соловчилари С. Мусифулин, А. Пяткин, Р. Йўлдошев, Р. Фазлетдинов, А. Кулаков, А. Никитин, В. Кондратьевлар машиналарни таъмирлашда икчи имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга эришмоқдалар.

Умумий меҳнат учун ҳамма шароитлар мавжудлиги, иш жойлари механик қурилмалари билан жиҳозланганлигидан таъмирловчилар мамнун. Депо ҳудудида жойлашган спорт-соғломлаштириш комплекси, омонат нассаси, мағазин, сартарошхона ва дам олиш, мутолаа, ҳордиқ хоналари доим озода ва саранжом.

Шу йилдан бошлаб ишлаб чиқариш бўлимлари қаторидан металл қуқунидан рангли эҳтиёт қисмлар тайёрлаш участкаси ўрин олди. Яқин кунларда бу даргоҳда тайёрланган эҳтиёт қисмлар билан бундай деталларга бўлган талабини қаматиришга эришилди.

Алоҳида аҳамият касб этган тадбирлардан бири профлакторий пехида ишлаган слесарларга улар созлаб лиянига чиқарилган троллейбусларнинг босиб ўтган йўлига қараб ҳақ тўлаш жорий этилди. Бундай шартнома асосида ҳақ тўлаш троллейбусларни созлашда мукамаллик касб этди. Слесарь ва ҳайдовчилар маоши ва айниқса лиянларда троллейбусларнинг мунтазамлигини юқори даражада бўлишига эришилди.

Депо муҳандис-техниклари, рационализаторлари эҳтиёт қисмлар учун янги штамп ва қопиллайдиган мосламалар, ҳар хил иш бажариладиган қурилмалар яратишга бутун имкониятларини сарфламоқдалар. Депода ҳаракат таркибининг кузги-қинги даврга тайёрлашда зарур бўлган буюм ва қурилмаларда тузатиш ишлари бошлаб юборишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўз ишнинг виждонан ўтаган ҳайдовчи ва слесарлар, муҳандис-техник ходимлар, хизматчилар шу кунгача 38 миллион 833 минг йўловчи манзилини яқин қилиб, иқтисодий кўрсаткичини 1,5 миллион сўмга етказдилар.

С. АЛИЕВ.

«Шарқ» пойабзаллари



СОБИР Раҳимов райониди «Шарқ» пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳаллий саноат бошқармасига қарашли бўлиб кетгалар ва болалар учун пойабзал ишлаб чиқармоқда. Бирлашманинг эр-кавлар, аёллар ва болалар учун пойабзал ишлаб чиқариш цехида бўлиди. Бу цехда 41 нафар пойабзалчи меҳнат қилар экан. Мазкур жамоа 9 турдаги махсулотларни сифатли қилиб чиқаришга эришяпти. Биринчи гада кичкинтойлар ҳақида гапхўрлик қилиб, чиройли, рангли ичи иссиқ этикчалар савдога чиқарилмоқда. Хотин-қизлар учун мўлжалланган қора рангдаги сунъий чармдан тикилган этиклар ҳам аёлларга манзур бўлса ажабмас. Этиклар икки хилда ҳозирги талабга жавоб берадиган қилиб тайёрланмоқда.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.

© СУРАТЛАРДА: бирлашма илгор ишчиси Наргиза Мирзаева. Болалар этикчалари Хусан Иброҳимов қилинган ўтади. Аёлларнинг қўнқил этикчалари.

Муаллиф суратлари.

— Бу ерда меҳнат қилаётганларнинг ҳаммасини ўз ишини устаси десек янглишмай-сиз. Ҳамма ўзига берилган вазифини пишиқ-пухта бажаради. Бу ўз наъбатига махсулотларнинг сифатини бўлиштиришга омия бўлмоқда, — дейди катта уста Каҳҳор Қодиров. — Сифатсиз махсулот бизда умуман йўқ. Хом ашё етишмай турган бир пайтда бунга йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун бўлса керак, мана уч йил мобайнида савдо ходимлари томонидан бирлашма махсулотни қайтарилмади.

Ҳақиқатан ҳам намуна хонасидаги пойабзалларни кўришга олиб кўрсаткичи чиройлилиги, ранг-баранглиги, энг муҳими энгил ва арзонлиги дарс эътиборинингизни тортади. Корхона ўтган йили режаларини 108 фонзга бажарганди. Бу йил эса бу кўрсаткичини 110 фонзга етказишни мўлжалламоқда.

© СУРАТЛАРДА: бирлашма илгор ишчиси Наргиза Мирзаева. Болалар этикчалари Хусан Иброҳимов қилинган ўтади. Аёлларнинг қўнқил этикчалари.

Муаллиф суратлари.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

МАНА БУНИ АДОЛАТ ДЕЙДИЛАР

АФИНА. Йўловчини манзилга олиб боришдан бош тортигани учун такси ҳайдовчиси қамоққа олинди. Афинада такси ҳайдовчиси Эфратис Галфос билан унинг йўловчиси ўртасидаги бахс ана шундай ниҳоясига етди. Греция пойтахтининг аэропортида бир йўловчи шу ҳайдовчига муражаат этиб, Афинанинг олисроқ Кунаки деган жойига олиб боришни илтимос қилди. Афтинда, бу ўзоқ йўл Э. Галфосга «фойдасиз» кўринди.

шекилли, у илтимосни қатъийан рад этди. Ҳазабланган йўловчи бекат ёнида наъбатчилик қилаётган полициячига муражаат этди. Шикоят натижаси ҳайдовчи учун аянчли бўлди: унинг қўлига шу заҳотнқ кишан солиб, йўловчилар ташвиш қондасини бузганликда айбалаб, қамоқхонага олиб бордилар. Бу ҳам қамлик қилганидек, автомобиль кўздн кечирилганда, унинг ҳақ ёзадиган қурилмаси қалабини эканлиги маълум бўлди. Қурилма йўл ҳақининг аслидаги нисбатан анча кўп пулни кўрсатиб турар эди. Энди ҳалдан ортқ «омилкорлик» қилган такси ҳайдовчиси қамоқхонада ётиши ва катта пул жаримаси тўлаши керак. Бундан келиб чиқадиган хулоса аниқ хўш, бизда ҳам шундай тартиб ўрнатилса қандай бўларкин? Ушанда, эҳтимол, такси қўл кўтаришимиз билан тўхтаб, бизни ўзимиз истаган манзилга олиб борган бўлармиди?



© «Ханхак» бозори Сеулнинг энг диққатга сазовор жойларидан биридир. Бу ерда янги буюмлардан ташқари ҳамма нарсаи сотиб олиш мумкин. Одатда шу ерда тутилган буюмлар — кийим-кечаклар, соатлар, видеокассеталар, пластинкалар билан савдо қилинади.

СУРАТДА: «Ханхак» бозорида. ТАСС сурати.

ПЕКИН. «Партия билан ҳукумат қарор қилди — бутун халқ ҳаракат қилапти».

Шундай умумий сарлаҳда остида «Жэньминь жибао» газетиси ўз саҳифаларида ХХР пойтахтида ўтадиган Осий ўйинлари арафасида Хитойда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш тўғрисида ҳикоя қилди. Газета муштарийларнинг эътиборини ана шу ҳаракатнинг муҳим сиёсий аҳамиятига қаратди.

Жиноятчиликка қарши қураш кучаймоқда

Пекинда жиноятчиликка қарши бир неча йирк операция ўтказилди. Мабутода эълон қилинишича, юзлаб талончилар, ўрилар, «каманият учун ёт бўлган бошқа унсурлар» қамоққа олинди, жиноятчилар тўпланадиган бир қанча жойлар фош этилди. Айтиш лозимки, асосан чет эллик сайёхлардан садақа сўрашга «ихтисослашган» гадойлар ва тилламчилар шаҳар кўчаларидан гоийб бўлишди. Телевидение бир неча бор кассавурлар ҳамда дайдиларни аниқлаш ва қўлга олиш тўғрисидаги сюжетларини кўрсатди. Пропискачи бўлмаган минглаб вақтинчалик ишчилар, шаҳарда иш ишлаб юрган дехқонлар бир йўла пойтахтдан чиқариб юборилди.

Бундай ҳаракат бутун мамлакатда ўтказилётганлигини унинг оммавий тус олганидан далolat беради.

Эрени уйдан ҳайдаган хотин

ЛУАНДА. «Билмаганим сўраб ўрганган олим, орланди сўрамаган ўзига эозим» деган доно нақл бор. Ленин Ангола пойтахтида истиқомат қилаётган 52 ёшли Жоуа Деш бу нақлга амал қилмади ва уни севимли рафиқаси ўз уйдан шармандаларча ҳайдаб юборди. Мария Шипаланганинг сабр коссанини тўлдириб юборган сўнгги томчи бунга сабаб бўлди — эри... мактабда ўқишда, бош тортиган эди. У бечора бош ўтиб, қолганлига хотинини ишонтириш учун бекорга уринди.

Жоуа ва Мариа 27 йил бир ёстиқда бош қўйиб, аҳил ҳаёт кечирди, саккиз фарзанд кўришди, улар ўз навбатида ота-оналарига беш набири соғва қилиб, ота-оналарини бахтиёр эттишди. Ойла бошлиғи слесарь бўлиб ишлабди, у мустамлакачилик даврларидан бери икки синф маълумотини ўз касби учун мутлақо етарли, деб ҳисобларди. Бироқ рафиқаси, ўз қадр-қимматини биландиган аёл бошқа фикрда эди: маълумот олган, айтилган да янада юқорикор малакага эга бўлган Жоуа «халқ дўконлари» деб аталган дўконлардан давлат нархида озиқ-овқат махсулотлари сотиб олиш учун кўпроқ патта олиб келиши мумкин эди.

Кўп йиллардан бери уруш гирдобига тушган Анголада ҳам маълумки, махсулотларни тақсимлашда патта услуби мавжуд.

Аёл охири-оқибатда бунга чидаб туролмади, орномусини йиғиштириб қўйди. «Мен бутун умр гуруч билан балиқ ейишни хоҳламайман», — деб бақариди жаҳли чиққан аёл ва саводсиз эрининг жулдурларни кўчага улоқтирди. Жоуа содир бўлган воқеага «файласуфларча» ёндашганлигини алоҳида айтиш керак. У энди умрининг охиригача уйланмаслигини айтди.

Бироқ мактабга бориш ҳаёлига ҳам келмади.

Ҳайвонот боғи ҳувиллаб қолди

ПАРИЖ. Ироқ қўшинларининг Қувайтга бостириб кириши Қувайт ҳайвонот боғидаги жониворлар учун қайғули оқибатларни келтириб чиқарди. Бағдод армиясининг ҳарбий хизматчилари, деб хабар қилади Франс Пресс агентлиги, у ердаги ёввойи ҳайвонларнинг бир қисминини еб қўйишди. Кийиклар билан буғулар солдатларнинг дастлабки қурбонлари бўлишди. Ноқир бошқа жониворларнинг пешонаси учмак шўр эмас экан. Жониворларни ҳимоя қилиш жаҳон жамаиятининг вакили Виктор Уоткинсининг таъкидлашича, улар Ироққа олиб кетилган. Бироқ Қувайт ҳайвонот боғида ҳануз ишаб турган қўнғина жониворлар қисмати ҳам еб қўйилган ўз қардошлари тақдирига ўхшаш бўлиб чиқши эҳтимолдан холи эмас.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР



# ТАБИАТ БИЛАН УЙҒУНЛИКДА

Тошкентдаги М. Раҳимов номли тажриба-ишлаб чиқариш комбинати ходимлари «иш майдончалари тайёр», деб ахборот беришди. Бу ерда 24 сентябрдан бошлаб бир ярим ой мобайнида бог-хлеб сопол буюмлари бўйича халқаро анжуман қатнашчилари ишлашади. Анжумани СССР ва Ўзбекистон Рассомлар уюшмалари ҳамда Тошкент шаҳар ижроия комитети ташкил қилди.

— Оламдаги етти мўъжизанинг бири бўлган «Семирамида муаллақ болғари» тўғрисидаги афсона бизгача етиб келган, — дейди Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси бошқарувининг раиси Б. Жалолов. — Бог сарой айвонларида барпо этилган эди. Бинони бунёд этган курувчилар билан бирга теваракка алоҳида латофат ва мўъжизакорлик бахш этиб, богболлар ҳам, ҳайкалтарошлар ҳам меҳнат қилишган. Табиатни бадий асарлар билан безаб, унинг баркамоллиги ва чиройини ақс эттириш санъати асли ўша қадим замонлардан бошланган бўлса, ажаб эмас. Икки миллион аҳолиси бўлган Тошкент шаҳри бог-хлеб сопол буюмлари бўйича анжуман ўтказилган жой сифатида танлангани бежиз эмас — бунда «иклим» хусусиятлари, мавжуд хом ашё базаси ҳам, собға олинди — бизда, яхши сўзлашсақ бор. Бунинг устига жумҳуриятимиз кулолчилиги ўзининг қадимий аъёнлари билан машғурдир.

Бу ерда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан усталар таклиф қилинган. Ҳозирнинг ўзидек Америка Қўшма Штатларидан Бенжамин Шлангер, Финлип Корнелиус, Римас Виз-

гирда кеби атоқли кулоллар ўзларининг бу ерга келиш ниятида эканлигини хабар қилишди. Ғарбий Германиялик эр-хотин Фриц ва Вера Ферринглар ҳам ўзларининг анжуманда иштирок этиш фикрида эканлигини билдирди. Улар жаҳондаги кўпгина мамлакатларда ишлашган. Венгриялик ҳайкалтарош Сандро Кечемет анжуманда қатнашишга розилик билдирди. Швейцариялик Клод Пресед, италиялик Гаидо Марини, австриялик Жанет Манефилд кеби кулолчилик санъатининг зур намоёндалари ижоди билан танишиш мумкин бўлади.

Анжуманда қардош жумҳуриятлардан келган ва Ўзбекистонлик рассомлар ҳам кенг иштирок этадилар. Улардан айримлари, масалан, Светлана Корликхонова, Сапар Султонмурто, Фарход Тошмухамедовларнинг асарлари амалий-маърузали санъат кўргазмаларига қўйилган жумҳурият пойтахти кўчаларини безаб турибди. Улар хориклик ҳам, касблари билан айна-ён ишлашлари, биргаликда асарлар яратишларига тўри келади. Бу асарлар кейин Тошкентга тушфа қилинади. Ушбу ижод намуналаридан ноёб сопол буюмлар халқаро боғи барпо этилади. Бог учун Навоий номли театр орасида Киров ва Опанасенко кўчалари ўртасидаги хибонда ҳақ акратилди.

Анжуман доирасида замонавий кулолчиликни ривожлантириш масалаларига бағишланган маъруза кечалари, мунозаралар ўтказилди. Самарқанд ва бухоролик кулоллар билан урғашувлар ўтказиш режалаштирилган.

Э. ТУХВАУЛЛИНА,  
УзТАГ музбири.

Муҳаррар  
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.



## Ёш ижодкорлар кўриги

Шаҳримиздаги рус ёш томошабинлар театри ҳар дамидан ҳам гавжум ва байрамона тус олган. Ҳамма ерда ногора, доира ва қарнай-сурнай садолари кишиларни томошага чорлайди. Томошалар зали ёш театр мухлислари билан яна тўлган. Гап шундаки, бу ерда кун кеча Урта Осиев ва Қозғистон жумҳуриятларининг биринчи ҳудудий ёш томошабинлар театрлари фестивали очилди.

Дастлаб В. И. Ленин номидаги жумҳурият пионер ва ўқувчилар саройи қошидаги фольклор театрининг ёш ижодкорлари театрлаштирилган томоша намойиш этидилар. Сўнг Тошкент рус ёш томошабинлар театри «Қўғирчоқлар ухламаганида» пьесаси орқали ўз санъатлари билан томошабинларни таништиридилар. Фестиваль 26 сентябргача давом этади. Мухлислар саҳнада Қозғистон, Қирғизистон, Қорақалпоғистон ва Ўзбекистондаги ёш актёрларнинг маҳоратини баҳраманд бўладилар. Яқиний баҳони эса ҳакамлар ҳайъати боради. СУРАТЛАРДА: фестивал очилишидан лавҳалар. Р. Альбеков суратлари.



# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

В. П. Чкалов номидаги Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги 8-ТОШКЕНТ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ куйидаги мутахассисликлар бўйича

### Ўқувчилар қабул қилади

учиш аппаратларининг слесарь-йиғувчиси, механика-йиғув ишлари слесари, саноат ускуналари ремоти бўйича слесарь, сонли программа билан бошқариладиган дастгоҳ операторлари, тоғарь, фрезерчи, кенг соҳадаги дастгоҳсоз.

**ЎҚИШГА 9—11 СИЎФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БУЛГАН ИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.**

Ўқиш муддати 9-синфни тугатганлар учун — 1-2-3 йил. 1-2 йиллик ўқишга қабул қилинганлар касб ўрганадилар ва диплом оладилар.

### МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқиш муддати 2 йилга қисқартirilган тажриба гуруҳлари ташкил этилган.

Ўқиш тугагандан кейин ўрта маълумот ва ағаллаган касби ҳақида диплом берилади.

11-синфни тугатган ўқувчилар 10 ой ўқитилади ва 65 сўм миқдорда стипендия билан таъминланадилар.

Совет Армияси сафларида хизматини ўтаб бўлган йиғилар учун ўқиш муддати 8 ой, улар ҳам 65 сўм миқдорда стипендия билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида барча ўқувчилар иш ҳақининг 50 фоизини оладилар.

Ўқиш муддати умумий меҳнат стажига кирди.

Билим юртида спорт секциялари, бадий ҳаваскорлик, авиамодель, радио, фототўғаришлар ишлаб турибди.

Билим юртини «аъло»га тугатганлар олий ўқув юртига кириш ҳақини қўйишлари ва учувчилик билим юртига юбориладилар.

Билим юртини тугатганлар Тошкент машинасозлик институтини самолётсозлик ва механика факультетларининг кечки ва сиртқи бўлимларида ўқишга киришлари мумкин.

Қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (паспорт), турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан ва тиббий сирьякалар, мактабдан харақтеристика, 6 донадан 3x4 ва 4x5 см. катталикдаги фотосурат.

Тошкент шаҳрида доимий прописка қилинганларгина қабул қилинади.

Билим юрти маскани: 700128, Тошкент шаҳри, Октябрь району, У. Юсупов кўчаси, Авиация калта кўчаси, 10-уй. (10, 23, 27-трамвайлар; 1, 4, 10, 14, 21-троллейбуслар; 18, 44, 48, 97-автобусларнинг «Ленинград» меҳмонхонаси бекати). Телефон: 41-75-54.

## 243-ФУҚАРОЛАР АВИАЦИЯСИГА ҚАРАШЛИ 20-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1990—1991 Ўқув йили учун ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Билим юрти юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун

учувчи аппаратларнинг чилангар-тузатувчилари, учувчи аппаратларнинг йиғувчи-чилангарлари, авиациятегарларнинг чилангар-тузатувчилари, авиациятегарларнинг чилангар-йиғувчилари, учувчи аппаратларнинг электромотажчилари ихтисосликлари бўйича 8-синфни битирганларни 3 йил муддат билан, 10-синфни битирганларни 1 йил муддат билан ўқитади.

Билим юртига Тошкент шаҳрида яшовчи, 15 ва ундан катта ёшдаги 8—10 синф маълумотига эга бўлган йиғит ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртини битирганлар 243-фуқаролар авиацияси заводига ишга юбориладилар.

3 йил муддат билан ўқитган ўқувчилар тўлиқ бўлмаган давлат таъминотида бўладилар. 1 йил муддат билан ўқитган ўқувчилар 30 сўм миқдорда стипендия оладилар.

Билим юртида тўғариқлар, отиш спорт секцияси мавжуд.

16 ёшга тўлган ўқувчилар авиация клубига қабул қилинадилар.

Имтиҳонларни аъло баҳолар билан тугатганлар Киев фуқаролар авиацияси муҳандислари институтига, фуқаролар авиацияси ҳарбий билим юртига йўлланма оладилар.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: директор номига ариза, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисида шаҳодатнома, ота-онасининг иш жойидан маълумотнома, тиббий маълумотнома (286-форма), янаш жойидан маълумотнома, 3x4 см. ўлчамли суратлари, харақтеристика.

Ҳужжатларни қабул қилиш шанба ва якшанбадан ташқари соат 9 дан 16.00 гача.

Билим юрти: Авиация шаҳарчаси, 243-фуқаролар авиацияси заводи (25, 66, 61, 40, 161-автобусларнинг «Авиация шаҳарчаси» бекати).

Телефонлар: 99-94-50, 99-96-93, 99-96-43.

## ДИҚҚАТ!

Сув ўтказиш йўллари ва водопровод тармоқларида таъмирлаш-профилактика ишлари олиб борилиши, шумингдек, 1990—91 йиллардаги куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўрилиши муносабати билан

«Водоканал» трести ШАҲАР ВОДОПРОВОД ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИГА ВОДОПРОВОД ТАРМОҚЛАРИДА СОВУҚ СУВ БЎЛМАСЛИГИ ВА СУВ БОСИМИ ПАСАЙИШИНИ

### билдиради

24 сентябрь соат 10.00 дан 26 сентябрь соат 10.00 гача СУВ БОСИМИ ПАСАЯДИ — Ленин ноҳияси: Стародубцев, Қизил-Аrvat, 26 Боку комиссари, Помир, Союзная, Железнодорожная, Омская, Оборонная, Шумилов кўчалари, Сергели ноҳияси: умуман сув босими пасаяди. Чилонзор ноҳияси: 1, 2, 3, 4, 6-мавзелар. Муқимий кўчаси — қисман.

СУВ БЎЛМАЙДИ — Ленин ноҳияси: Новий путь, Саракул, Весна, Мирсолихов, Першин кўчалари.

27 сентябрь соат 10.00 дан 28 сентябрь соат 10.00 гача СУВ БОСИМИ ПАСАЯДИ — Акмал Икромов ноҳияси: Чилонзор ноҳияси.

СОВИР РАҲИМОВ НОҲИЯСИ — умуман сув босими пасаяди. Октябрь ноҳияси: Марказ-26, 27, Б-1 даҳаларидаги турар жойлар. Олий ўқув юртилари шаҳарчаси.

СУВ БЎЛМАЙДИ — Собир Раҳимов ноҳияси: Омонат кассалари кўчаси ва унга туташ кўчалар.

СУВ БЎЛМАГАН ЖОЙЛАРГА АВТОВОДОВОЗЛАРДА СУВ ЮБОРИЛАДИ.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-15-95, 33-75-97, 56-60-06.

### «ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ.

## КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!



«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОВ САВДОСИ ИДОРАСИНИНГ 17-ОБУНА НАШРЛАРИ ДЎКОНИ

(А. Қодирий шоҳқўчаси, 7-уй)

## НАҚД ПУЛГА ВА ПУЛ УТҚАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ҚУЙИДАГИ ОБУНА НАШРЛАРИНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ. ЎЗБЕК ТИЛИДА:

В. И. ЛЕНИН, 55 томлик (5-55 томлар). РУСЧА-ЎЗБЕКЧА ЛУҒАТ, 2 томлик. У КИМ? БУ НИМА? — 3 томлик. ЎЗБЕК СОВЕТ ҚОМУСИ (7, 8, 10, 11, 12, 14-томлар).

ЗУЛФИЯ, 3 томлик. А. МУХТОР, 4 томлик. МИРТЕМИР, 4 томлик. Л. ТОЛСТОЙ (2—5 томлар). Х. ОЛИМЖОН (2—10 томлар). В. ШЕКСПИР (2—4 томлар).

### РУС ТИЛИДА:

В. И. ЛЕНИН, 10 томлик. К. МАРКС, Ф. ЭНГЕЛЬС, 10 томлик. ОНБЕК, 5 томлик. ШОН-ШУХРАТ ГУЛЧАМБАРИ, 12 томлик. М. ИБРАГИМОВ, 6 томлик. Қ. ҚУЛИЕВ, 3 томлик. Д. КУГИЛЬТИНОВ, 3 томлик. ҚУРНИКОВ, 4 томлик. М. ЛЕРМОНТОВ, 2 томлик. А. НУРПЕИСОВ, 3 томлик. В. МАЯКОВСКИЙ, 2 том. В. ПОПОВ, 4 томлик. А. ПУШКИН (2, 3 томлар). М. Б. ХРАПЧЕНКО, 4 томлик. Э. СТАНЕВ, 4 томлик. К. УШИНСКИЙ, 6 томлик. Д. ШОСТАКОВИЧ. ИНГЛИЗЧА ГЕОЛОГИК АТОМЛАРИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ, 3 томлик. КАТТА ТИББИЕТ ҚОМУСИ (23—29 томлар). МАТЕМАТИКА ҚОМУСИ (2—5 томлар). А. ЧЕХОВ (12—18 томлар). Л. ТОЛСТОЙ (14—22 томлар). Н. Г. ЧЕРНЫШЕВСКИЙ («Фалсафий наشرлар туркумидан — 1, 2 томлар). Г. ЛЕЯНИЦ, 4 томлик. Д. ЛОКК, 3 томлик. РУС ТИЛИ ЛУҒАТИ (3, 4 томлар).

Дўкон мазлиди: Тошкент шаҳри, А. Қодирий шоҳқўчаси, 7-уй. Телефон: 44-57-41.

## МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА ҚУЙИДАГИ АБОНЕМЕНТЛАР СОТИЛАДИ:

22 ва 23 сентябрда — Ф. Купернинг «ЖОСУС» китобида ҳар бир қабул пунктида 100 тадан абонемент берилди.

Ф. Купернинг «ЖОСУС» китобига абонементлар бир-йўла 10 кг. макулатура топирилгандан кейин берилди ва 20 кг. макулатура топирилгандан кейин унда курсатилган китобни олиш ҳуқуқини қафолатлади.

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙ-ЕРЛОВ КОРХОНАСИ.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат вазирлигининг ЖУМҲУРИЯТ ТИКУВЧИЛИК САНОАТИ АССОРТИМЕНТ ВА МОДАЛАР МАРКАЗИ

қадди-қомат ўлчамлари қуйидагича бўлган эркакларни

176-100-82 176-100-94 176-112-100 176-112-106 176-112-112

ёш ва ўрта ёшдаги

ўрта ва катта ёшдагиларни янги кийим моделларини ишлаш мақсадида аядозалар олиш учун

## ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

МАЪЛУМОТ УЧУН:

I-рақам бўйни билдиради II-рақам кўкрак айланасини билдиради III-рақам бел айланасини билдиради. Иш режими ва ҳақ — келишувга кўра. Манзилноми: 700015, Тошкент шаҳри, Сапёрлар кўчаси, 25-уй. Телефон: 56-04-19.

## КЕЙИНЧАЛИК АГРОНОМ, КЕЙИНЧАЛИК АСТРОНОМ — ҲОЗИРЧАЛИК ЭСА ЎҚУВЧИ ВА ТАЛАБА!

Уларнинг муваффақиятли ўқиши учун қуйидаги муҳим майда-чуйдаларни олиб берсангиз бас: қора график қаламлар, авторучка учун сиёҳ, умумий дафтарлар, учбурчакли чизгичлар, рўқчалар учун термалар (шариклар ва пероли), китоблар учун муқовалар, мойбўёқлар ва акварель бўёқлар ва бошқа жуда кўп нарсалар.

БУЛАРИНИНГ ҲАММАСИНИ СИЗ «ТАШ-КУЛЬТТОРГ» ДЎКОНЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.



## «ТАШКУЛЬТТОР»

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ «ОРОЛ» ХАИРИЯ ТИЖОРАТ МАРКАЗИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ

22 СЕНТЯБРЬ СОАТ 19.30 да

«ЖАЙҲУН НАВОЛАРИ — ОРОЛГА» мавзусида

### ХАИРИЯ КОНЦЕРТИ УТҚАЗИЛАДИ ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ОРИТҚ ОТАЖОНОВ

«ҚИЗИҚИ — 90» конкурси совриндори ҒАФУРҲОЖ МИРЗАБОВ

ПОСТАНОВКАЧИ РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист — А. РАҲИМОВ. КОНЦЕРТДА Орол ва Оролбўйини асраш Қўмитасининг раиси, профессор, ёзувчи, Ўзбекистон ССР халқ депутати — ПИРМАТ ШЕРМУҲАМЕДОВ қатнашади.

Концертдан тушган маблағ Орол фондига ўтказилади.

ЧИПТАЛАР СОТИЛМОҚДА.

Қўшимча маълумотлар учун 32-07-48 га қўнғироқ қилинг.

Манзилноми: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси 1-уй.



Қозғистон — «РАЖ-ЛАКШИМИ» (17, 20.00); «БЎЙСУНМАС МАРКИЗА» (18.00).

## 22 СЕНТЯБРДА

### БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «СЕВГИ ЭҲРОМИ» (катта зал — 11, 13.30, 16, 18.30, 20.40); «МОВИЯ ТУВСИЗЛИК» (кичик зал — 12, 14.30, 17, 19.30).

Чайна — «ФАЗОДАГИ ТЎС-ТУПОЛОН» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги номи — «ПИЛЛА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

К. Ерматов номи — «МА-ФИЯНИНГ ХОТИНИ» (тоқ соатларда).

Москва — «ХИМОЯЧИ-ЛАР» (11, 13, 15, 17, 19.00); «ҚОРА АТИРГУЛ ҒАМ-АЛАМ РАМЗИ, ҚИЗИЛ АТИРГУЛ СЕВГИ МУҲАББАТ РАМЗИ» (20.40).

Дружба — «ПИЛЛА» (11, 12, 14, 15, 17, 18.20, 20.40).

Қозғистон — «РАЖ-ЛАКШИМИ» (11, 14, 17, 20.00); «БЎЙСУНМАС МАР-КИЗА» (12, 15, 18.00).



## 21 СЕНТЯБРДА

### БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «СЕВГИ ЭҲРОМИ» (катта зал — 18.30, 20.40); «МОВИЯ ТУВСИЗЛИК» (кичик зал — 17, 19.30).

Чайна — «ФАЗОДАГИ ТЎС-ТУПОЛОН» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги номи — «ПИЛЛА» (18.30, 21.00).

К. Ерматов номи — «МА-ФИЯНИНГ ХОТИНИ» (тоқ соатларда).

Москва — «ХИМОЯЧИ-ЛАР» (17, 19.00); «ҚОРА АТИРГУЛ ҒАМ-АЛАМ РАМЗИ, ҚИЗИЛ АТИРГУЛ СЕВГИ МУҲАБ-БАТ РАМЗИ» (20.40).

Дружба — «ПИЛЛА» (17, 18.20, 20.40).



## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА, «ПЕНЬОН» — 90» ЦИРКИ САНЪАТИНИНГ БАРЧА ЗАМ-РАНИДАН ИБОРАТ КАТТА НАИ-БАРАНГ ДАСТУР.

Ҳамза ноҳияси улгуржи-чакана мева-сабзавотчилик комбинатига қарашли 4-маг-зининг йўқолган 407-сонли ИШОНЧ ҚОҒОЗИ ва 11-омборнинг йўқолган 283507-сонли

### ДАВЛАТ КВИТАНЦИЯЛАРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

## ТОШКЕНТ ОҚИМОИ

Ўзбекистон Қозғартириси Марказий Комитети наشريети, нинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛНОМИ: 700023, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. ТЕЛЕФОНЛАР: жабулхона — 32.53.78; хатлар — 32.28.70; 32.53.79; жамоатчилиги жабулхонаси — 32.55.83. Янашанбадан ташқари ҳар кунини ўзбек ва рус тилларида мустанил чиқади.

140.390 нусхада чоп этилади. Индекс 64690. Д — 2201. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.